

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ ЖАМШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ГЛОБАЛ ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНИНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy  
(PhD) on philosophical sciences**

**Очилов Жамшид Абдурашидович**

Глобал техноген цивилизация ривожланиш жараёнининг синергетик таҳлили .....3

**Очилов Жамшид Абдурашидович**

Синергетический анализ процесса развития глобальной техногенной цивилизации .....23

**Ochilov Jamshid Abdurashidovich**

Synergetic analysis of the process of development of global technogenic civilization.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ ЖАМШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ГЛОБАЛ ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНИНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3PhD/Fal93 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида samdu.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Бахтиёр Оманович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Бахтиёр Раҳманович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Алиева Кулуйпа Мукашовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Ҳакимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**А.Р.Самадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Ш.С.Кушаков**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобал техноген цивилизацияси ўз негизини муттасил ўзгартирган ҳолда янги ғоя ва концепциялар ва инновацион технологияларни жорий этиш, жуда ҳаракатчан ва янгиликка интилувчан жамият бўлиши билан бир пайтда агрессив, ҳатто ўта тажовузкор социум шакли сифатида ҳам ўзини намоиш қилмоқда. Таъкидлаш керакки, техноген цивилизациянинг глобаллашуви, жумладан бир қатор компьютер техникаси, мобиль алоқа воситалари, интернет тармоғининг инсон онги устидан ҳукмронлик қилиши каби, кутилмаган салбий оқибатларни юзага келтирмоқда. Дунёни ўзгартириш ва табиатни инсонга бўйсундириш ғояси техноген цивилизациянинг илк давридан то ҳозирги босқичигача устувор бўлиб келган ва теварак-атрофга бўлган бундай фаол муносабат ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳонда техноген цивилизация глобаллашуви жараёнининг чуқурлашуви борасида илмий изланишларга, айниқса ушбу жараённи синергетик ёндашув асосида тадқиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу жиҳатдан техноген цивилизация глобаллашувининг жамият интеллектуал салоҳияти, ахборот технологияси ва базасининг ривожланиши ўртасидаги боғланишни ҳамда шахснинг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ва конформизм каби ҳодисаларни вужудга келтирувчи аттрактор сабаблар, бифуркация нуқталари ва ривожланиш тенденцияларини очиб беришга устувор изланиш сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон техноген цивилизацияга тобора интеграциялашиб, жаҳондаги ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши шароитида инновацион салоҳиятни ҳар томонлама кенгайтиришга, илғор технологияларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Унга кўра 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириши учун амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар белгиланди.<sup>1</sup> Шу жиҳатдан миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда техноген цивилизацияга интеграция бўлишининг миллий хусусиятлари, имкониятлари, рационал ёндашуви ва конструктив воситаларининг фалсафий жиҳатлари бўйича асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармонлари ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги 5544-сон Фармони

“Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сон қарори ҳамда инновацион технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш йўналиши» доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Техноген цивилизация масалалари XX аср ўрталаридан бошлаб тарих, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, иқтисодий, психология, экология ва бошқа фанларнинг муҳим тадқиқот предмети бўлиб келмоқда. Ушбу мавзуда кўплаб илмий асарлар, мақолалар, китоблар яратилган, диссертациялар ҳимоя қилинган.

Диссертацияда юртимиз ва хориждаги мутахассислар томонидан техноген цивилизациянинг ретроспектив манбалари, келиб чиқиши, ижтимоий фазо – локал ҳудудий характери, ментал хусусиятлари, ҳаракатлантирувчи механизмлари, глобаллашув сабаблари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мафкураравий, маънавий-маданий соҳалардаги ижобий ёки салбий оқибатлари ҳақида илмий хулосалар берилган.

Ҳозирги даврда техноген цивилизация глобаллашувига иқтисодий детерминизм нуқтаи назаридан ёндашиш ва унинг оқибатларига пессимистик-скептик муносабат замонавий глобалистикада устувор йўналиш ҳисобланади. В.С.Степин, В.Г.Горохов, М.А.Розов, Л.Ф.Кузнецовларнинг асарларида, унинг умуминсоний хусусиятлари мутлақлаштирилган. Ушбу фикр айниқса, “Рим клуби” аъзолари қарашларида янада конкретлаштирилган. Уларнинг асарларида ҳозирги замон техноген цивилизацияси муаммоларини ҳал этишда шахс “технологик маданиятини” юксалтиришга доир амалий (ҳатто, радикал) тадбирларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилган.

П.Сорокин, О.Шпенглер, Э.Гуссерль, Н.А.Бердяев, А.Швейцер, А.Печчеи, С.Хантингтон, А.И.Уткин ва бошқаларнинг асарларида техноген цивилизация натижасида шаклланган кадриятлар мажмуаси жамият маънавий тараққиёти атрибути, инсон маънавий борлигининг “субстанционал моҳияти”ни белгиловчи объектив омил тарзида таҳлил этилган. Г.Хакен, И.Пригожин, Г.Н.Рузавин ва бошқаларнинг илмий ишларида синергетик методология мукамал тадқиқ қилинган.

Биз тадқиқ этаётган мавзу нуқтаи назаридан К.М.Алиеванинг илмий асарлари, айниқса, унинг “Фалсафа ва синергетика мураккаблик тўғрисида” (А.И.Тишин билан ҳаммуаллифликда ёзган) монографияси қимматли манба бўлиб хизмат қилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг Алиева К.М., Тишин А.И. Философия и синергетика о сложности. – Бишкек. Илим. 2003. 369с.

Глобаллашув жараёнлари, техноген цивилизациянинг ривожланиши ва синергетик методологиянинг фалсафий асослари Ўзбекистонда Б.О.Тураев, М.Н.Абдуллаева, Б.Р.Каримов, Т.Ортиқов, Ш.С.Кушоков, Ф.Юлдашева, Д.Бозоров, С.М.Адилходжаева, С.Отамуродов ва О.Йўлдошевларнинг асарларида атрофлича таҳлил этилган.

Аммо техноген цивилизациянинг ижтимоий-фалсафий масалалари, ундаги мураккаблик ва ўз-ўзини ташкил этишнинг синергетик таҳлили ҳалигача амалга оширилган эмас. Цивилизациянинг ушбу тури ривождаги тарихий босқичларни интегратив фанларнинг янги илмий хулосалари, тарихий тараққиёт даражалари билан боғлиқлик масалалари, парадигмаларидаги ўзгаришлар махсус ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» лойиҳаси (2016-2018 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** техноген цивилизация генезиси, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, глобаллашув хусусиятлари ва оқибатларини синергетик таҳлил воситасида ўрганиш орқали уларни оптималлаштиришга доир фалсафий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

техноген цивилизация глобаллашувини синергетик тамойиллар контекстида, комплекс-системали таҳлил қилиш, унинг ғоявий-назарий асосларини, методологик тамойилларини, парадигмалари ва категориал аппарати, тушунчалари тизимини конкретлаштириш;

миллий маданият тарихида техноген цивилизациянинг ўрнини, мақомини, шаклланиш қонуниятлари ва ривожланиш босқичларини даврлаштириб, уларни детерминлаштирувчи объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар тизими имкониятларини тадқиқ этиш;

техноген цивилизация глобаллашиш жараёни эскалацияси ижобий ва салбий натижалари трансформациясининг рационал усуллари, воситалари, институционал тизимини такомиллаштириш имкониятларини, ижтимоий-сиёсий механизмларини аниқлаш;

глобал цивилизациялашган техноген маконда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш эҳтиёжи, зарурияти кучайган шароитида Ўзбекистоннинг ушбу жараёнга интеграциялашиш хусусиятлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий мавқеини, интеллектуал потенциали ва имкониятларини аниқлаш, мазкур йўналишдаги стратегик ва тактик вазифаларини белгилаш;

шахснинг глобал техноген цивилизация ахборот муҳитига мослашиш, “оммавий маданият” босимига иммунитетини шакллантириб, унинг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ҳодисаларини комплекс-системали таҳлил қилиб амалий таклиф-тавсиялар бериш;

техноген цивилизация “архитектурасини” белгиловчи структуравий элементларига, белгилари ва тамойилларига дифференциал ёндашиб, истиқболларини моделлаштириш ва прогнозлаштириш вазифаларини дастурлаштириш методологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** техноген цивилизация глобаллашувининг ўзига хос қонуниятлари ва тамойиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** ночизиқли тафаккур ва синергетик методология асосида техноген цивилизациянинг келиб чиқиши, эволюцияси ҳамда ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, таққослаш ва умумлаштириш, абстрактлаштириш методлари ҳамда тизимли, структурали-функционал ҳамда синергетик ёндашув ва бошқа ночизиқли тафаккур усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

техноген цивилизациянинг глобаллашувига оид парадигмалар, категориал ўзгаришларнинг детерминистик моҳияти ва индетерминистик талқини ҳамда технологик тараққиёт жараёнининг ночизиқли ривожланишидаги ижтимоий, динамик, интегротив функциялари ва уларнинг когнитив, эвристик томонлари очиб берилган;

техноген цивилизациянинг глобаллашуви жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик, умумийлик категориялари ва ночизиқли тафаккурнинг флуктуация тамойили нуқтаи назаридан технологик сингулярликнинг ижобий томонларини синергетик ўз-ўзини ташкиллаштириш ёндашуви асосида кучайтириш ва экологик ва ижтимоий барқарорликни амалга ошириш йўллари асосида салбий томонларидан ҳимояланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

техноген цивилизация глобаллашувининг жамият интеллектуал салоҳияти, ахборот технологияси ва базасининг ривожланиши ўртасидаги корреляцион боғланишни аниқланган ва унинг синергетик ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган концептуал унсурлари очиб берилган;

техноген цивилизациянинг глобаллашуви жараёнининг салбий оқибатлари бўлган шахснинг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ва конформизм каби ҳодисаларни вужудга келтирувчи аттрактор (жалб қилувчи) сабаблар, бифуркация нуқталари ва ривожланиш тенденциялари аниқлаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

техноген цивилизация шаклланишининг объектив шарт-шароитларини ва субъектив омилларини уйғунлаштиришнинг жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларини ривожлантиришга доир илмий-назарий хулосалар синергетик таҳлил асосида умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган;

техноген цивилизация феноменини ҳаракатлантирувчи механизмларини ривожлантиришнинг субъектлар фаолиятини такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг глобал техноген цивилизация маконига интеграциялашуви жараёнининг ижтимоий онг шаклларига ижобий ва салбий таъсири

хусусиятларини ўрганишда синергетик таҳлил усулини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланган тарихий манбаларга, давлат расмий ҳужжатларига, илмий ёндашув ва усулларнинг объективлиги билан характерланади ва мутасадди ташкилотлар томонидан назарий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат томонидан мамлакатни глобал техноген цивилизация стандартларига мослаштиришнинг дастурларини, лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти глобал техноген цивилизация натижаларини давлатларнинг ментал хусусиятларини эътиборга олиб, дифференциаллашган усул-воситаларини танлашда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Глобал техноген цивилизация ривожланишининг синергетик таҳлили асосида:

техноген цивилизациянинг глобаллашувига оид парадигмалар ва категориал ўзгаришларнинг детерминистик моҳияти ва индетерминистик талқини ҳамда технологик тараққиёт жараёнининг ночизиқли ривожланишидаги ижтимоий, динамик, интегратив функциялари ва уларнинг когнитив, эвристик томонлари очиб берилишига оид илмий янгилигидан “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил йил фаолиятини самарали амалга ошириш тадбирлар дастурининг жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш самарадорлигини ошириш, жамоатчилик ташкилотларини атроф-муҳитни асраш ва табиий ресурслардан фойдаланиш қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 19 декабрдаги 01/13-7162-сон маълумотномаси). Бу таклиф ва тавсиялар мазкур қўмита иш фаолиятининг техноген цивилизация жараёнида мақсадга мувофиқ иш юритиш самарадорлигига ижобий таъсир қилган;

техноген цивилизациянинг глобаллашуви жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари фалсафанинг алоҳидалик, махсуслик, умумийлик категориялари ва ночизиқли тафаккурнинг флуктуация тамойили нуқтаи назаридан технологик сингулярликнинг ижобий томонларини синергетик ўз-ўзини ташкиллаштириш ёндашуви асосида кучайтириш ва экологик ва ижтимоий барқарорликни амалга ошириш йўллари асосида салбий томонларидан ҳимояланишга қаратилган тавсияларидан ҳамда техноген цивилизациянинг глобаллашуви жараёнининг салбий оқибатлари бўлган шахснинг маргиналлашуви, ижтимоий бегоналашуви ва конформизм каби ҳодисаларни вужудга келтирувчи аттрактор (жалб қилувчи) сабаблар, бифуркация нуқталари ва ривожланиш тенденциялари аниқланган янгилигидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 01-03/9-сонли Қарори асосида тасдиқланган 2017 йилдаги ҳаракат режасининг 3-илоvasи 55-банди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтган

коллежлар базасида Ахборот технологияларига ихтисослашган со-working яратиш); 72-банди (Халқ таълими ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун “Интернетдан фойдаланиш маданияти”, “Халқаро тармоқда ёшларни бузғунчи ғоялардан муҳофаза этиш”); 86-банди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонлик тизимини яратиш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йил 6 декабрдаги 04-13/2319-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистон ёшлари онгида технологик маданиятнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди;

техноген цивилизация глобаллашувининг жамият интеллектуал салоҳияти, ахборот технологияси ва базасининг ривожланиши ўртасидаги корреляцион боғланишни аниқланган ва унинг синергетик ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган концептуал унсурларидан “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида №А-2-4 “Инновацион хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишдаги таъсири” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги ФТА-01-11/1057-сон маълумотномаси). Тавсиялардан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни тадбиқ этишнинг фалсафий асосларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва тадқиқоти зарурати, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг “Техноген цивилизация тарихига синергетик ёндашувнинг назарий-методологик масалалари” деган биринчи бобида ҳар қандай миллат ва давлатнинг тарихий шаклланган мавжудлик ҳолати, муайян даражада ривожланган техноген цивилизация натижаси сифатида қаралган. Зеро, инсоннинг динамик ўзгараётган техноген цивилизация муҳитига “кўникиш эффекти”ни, “мослашиш коэффиценти”ни синергетиканинг: бифуркация ва флуктуация<sup>1</sup> тушунчалари асосида таҳлили: 1) дунё техноген цивилизацияси тажрибаларини умумлаштириш ва тарихий анъаналарни ривожлантириш – ретроспектив асосга; 2) жамият техноген барқарорлигини таъминлаш услуб ҳамда воситаларини, ҳаракатлантирувчи мотивлари, механизмларини мувофиқлаштириш – назарий-методологик таълимиотларга; 3) техноген цивилизация глобаллашуви жараёнида ижтимоий онг шакллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва сиёсий муассасалар фаолиятларини уйғунлаштириш – институционал тизимга; 4) глобал техноген цивилизация-га, унинг субъектларини руҳий ва интеллектуал жиҳатлардан тайёрлашнинг потенциал имкониятларини яратиш – педагогик-дидактик технологияга; 5) глобал техноген цивилизация ижобий натижаларини оммага трансформация-сининг техник-технологик асосларини ривожлантириш – коммуникация ва инфраструктура тизими каби асосларга боғлиқлиги кўрсатилган.

Бу асосларни умумлаштириб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: “Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму-фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, Мағрибу Машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди”<sup>2</sup>, деган фикрида шарқона техноген цивилизация аҳамиятини кўрамыз.

Шарқнинг буюк мутафаккири Ибн Халдуннинг (1332-1406 йй.) фикрича, жамият ҳаётига жуғрофий муҳит, иқлим, ижтимоий меҳнат тақсимооти катта таъсир кўрсатади. Жамият тараққиёти даражаси, маданияти ва бошқариш усули, ижтимоий меҳнат тақсимооти, кишиларнинг иқтисодий фаолияти ва аҳоли билан ҳукмдорлар орасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқлигини таъкидлаб, “кишиларнинг ҳаёт тарзидаги фарқ, фақат ҳаёт воситаларини (ишлаб чиқариш воситаларини, – Ж.О.) топиш усулидаги фарқларга боғлиқдир... Авлоднинг қандай шароитда яшаши, уларнинг яшаш воситаларини қай тарзда топиши (ва фойдаланиши, – Ж.О.) билан фарқланади”<sup>3</sup>, деган ғоясида, муайян даражада, иқтисодий детер-минизм элементлари устуворлиги таъкидланса ҳам, фалсафий дунёқарашида рационализм ва иррационализм уйғунлигини намоён қилади.

<sup>1</sup> Бифуркация лотин тилида – bifurcus – умумий ривожланиш тенденциясидан ажралиши ва флуктуация лотин тилида – fluctuatio – умумий ривожланиш йўналишидан тасодифий оғиш маъносида ишлатилади.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 219-220 бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Ибн Халдун. Введение(фрагменты) / Пер.с.араб. С.М.Бациевой // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. М.,1961. -С.571

Моддий ишлаб чиқаришнинг экстенсив ўсиши, инсон маиший ҳаёти коммуникация ва инфраструктураси, технологияси ривожланиши, урбанизация ҳодисасининг горизонтал ва вертикал йўналишларда жадаллашуви ва бошқа антропоген фаолият соҳаларидаги бифуркацион ўзгаришлар техноген цивилизация натижаларини, парадигмалари ўзгаришларини янги мезонлар, тамойиллар асосида қайта баҳолаш ва янги таърифларни тақозо қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, техноген цивилизация – муайян миллат, давлат ва жаҳон маданиятининг ҳозирги ва келажак авлодлар иқтисодий ҳаёти, экологик турмуш тарзи учун зарур шарт-шароит яратишга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий институтларнинг конструктив-рационал технологик усуллардан, воситалардан фойдаланиб потенциал техноген, антропоген имкониятларини реаллаштириш даражасига мос жамият ривожланиш босқичидир.

Ҳозирги давр фалсафий тафаккурнинг умумий хулосаларига кўра, инсоният тарихида ҳозиргача эришилган муваффақиятлар (айниқса, техноген цивилизация глобаллашуви) жамиятда хаос (тартибсизлик)дан – “ўз-ўзини табиий ташкил этишига”, уни инқирозга, ҳатто ҳалокатга олиб келишини исботлаб бериб, Ер юзида яшаётган миллиардлаб инсонлар аста-секин тараққиёт парадигмаларини ўзгартириб, эволюцион ривожланиш йўлига ўтиш олдида турганлигини кўрсатмоқдалар<sup>1</sup>.

Кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига илк “техникалашган” таъсир неолит даврига, яъни бундан 8-5 минг олдинги йилларга тўғри келади. Бу даврда меҳнат тақсимоти дифференциаллашиб, деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларининг вужудга келиши техноген цивилизация контурларини, “архитектурасини”, умуман моддий ишлаб чиқариш кучлари, хусусан меҳнат қуроллари ривожланишини ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характерини белгилаб берган. Айтиш мумкин, айниқса, йирик меҳнат тақсимоти вужудга келиши билан ишлаб чиқариш соҳаларига мос технологик маданият “элитарлашиб”, техноген цивилизацияга доир агротехника, зоотехника маданияти тажрибалари зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да, турли мифологияларда ўз ифодасини топган.

Диссертацияда Европа ренессансининг умуминсоният маданий ҳаётида буюк аҳамиятини камситмаган ҳолда, унинг генезиси, ретроспектив асослари, тараққиёт босқичлари ҳақидаги таълимотлар цивилизацияларнинг перманентлиги тамойилига кўра тарихий фактлар, мантиқий ҳукмлар асосида қиёсий таҳлил қилиниб, унинг моҳияти, парадигмалари ўзгаришларига доир янги илмий хулосалар чиқарилган, яъни: Биринчи босқичда, антик даврда инсониятнинг техноген фаолияти билан боғлиқ муаммолари бўлмаган, аксинча техника тараққиёти жамият ижтимоий-иқтисодий зиддиятлари ечимида асосий рол ўйнаган. Чунки бу даврда аграр соҳа асосий ишлаб чиқариш усули бўлиб, қишлоқ хўжалик цивилизацияси ижтимоий-иқтисодий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Моисеев Н.Н. Размышления о будущем России и мира. // Вестник Московского университета. Серия 12. Политические науки. 2007. № 3. -С. 48.

муносабатлардаги “сунъийлик” табиийликнинг ривожланиш даражасини намоён қилган ва инсон “техник-технологик ўзлигини” англай бошлаган. Иккинчи босқичда – ўрта асрларда жамият техноген ривожланиши, инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган антропоген омилнинг антропотехноген омилга айланиш жараёнида жиддий муаммолар вужудга келмаган. Бу даврнинг энг характерли хусусияти инсоннинг қўл меҳнатидан “бегоналашуви”, техниканинг доминантлашуви саноат ёки индустриал цивилизацияни бошлаб, ишлаб чиқариш кучлари таркибида техника, технология асосий воситага айланиши билан характерланади. Учинчи босқич – иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларида бошланган бўлиб, инсоният ҳаётини фан-техника ва технология асосида тубдан қайта қуриш, интеллектуал салоҳият устуворлашуви, шахс индивидуализми ва маргиналлашуви, “оммавий маданият” эскалацияси кучайган постиндустриал-информацион жамиятда ахборот, илмий салоҳият уни детерминлаштирувчи омилга айланади ва Ж.Пелтон таъбири билан айтганда “глобал электрон цивилизация” пайдо бўлди.

Ушбу босқичлар функционал жиҳатдан бир-бири билан мантиқий изчил боғлиқ бўлса ҳам, иккинчи ва учинчи босқичларда инсон глобал техноген цивилизацияга интеграциялашув заруриятини, сабабларини ва оқибатларини англаб, универсал услуб ва воситаларидан оқилона фойдаланиш илмий методологиясини нисбатан мукамал эгаллаган.

Биринчи босқичнинг хулосалари: биринчидан, техноген цивилизация глобаллашуви генезисини, тарихий-ретроспектив асосларини ижтимоий муносабатлар ва фанлар тизими контекстида комплекс-системали синергетик таҳлил қилиш, илмий-назарий хулосалар чиқаришнинг асосий шартидир. Иккинчидан, техноген цивилизацияни детерминлаштирувчи ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-назарий асослар ривожланиши: табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг дифференциаллашувига ва уларнинг “кооперациялашувига” олиб келмоқда. Учинчидан, техноген цивилизациянинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий-назарий асосларини, ривожланиш тарихини комплекс-системали ўрганиш – жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларини ҳаракатлантирувчи мотивларни, механизмларни аниқлашга хизмат қилади. Тўртинчидан, техноген цивилизация босқичларини даврлаштиришга оид муқобил назарий таълимотларда, унинг бифуркацияси ва флуктуацияси натижасида қатор муаммолар вужудга келиши ва глобаллашуви инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини белгилаб берган. Бешинчидан, инсоният тарихининг дастлабки босқичларида техноген цивилизация инстинктив-рефлексив, стихияли-соғда характерга эга бўлса ҳам, “технологик инсонни” вужудга келтириб, уни антропотехноген маданият субъектига ҳамда объектига айлантирган. Олтинчидан, ҳар қандай тарихий даврда жамият мавжудлиги даражасига мос технологик маданиятининг “ментал” хусусиятлари, уларнинг интеграциялашуви ва глобаллашувига мойиллиги, ижтимоий ҳаёт соҳаларда устуворлашуви – қонуният мақомини мустаҳкамламоқда. Еттинчидан, техноген цивилизация глобаллашуви инсоният интеллектуал салоҳияти, миллий технологик маданияти интеграцияси натижаси бўлиб,

уларнинг ривожланиш тенденцияси техноген цивилизация натижаларини инсонпарварлаштириш асосларига боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Техноген цивилизациянинг объектив асослари ва субъектив омилларининг концептуал таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида техноген цивилизация глобаллашуви мотивлари ва механизмларининг фалсафий-синергетик таҳлили, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини ўрганишга назарий-методологик асослиги кўрсатилган. Яъни илмий муомалада глобал цивилизацияга: “халқаро интеграция мотиви”, “интеграция механизми” тушунчалари мазмунини, фақат иқтисодий ёки технологик детерминизм нуқтаи назаридан қўлланилиши, ижтимоий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашувининг бошқа мотивлари ва механизмларини эътибордан четда қолдиради<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан, техноген цивилизация глобаллашуви оқибатлари: 1) объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллари, ҳаракатлантирувчи мотив ва механизмлари комплексига – (геоижтимоий, геоиқтисодий, гео-сиёсий, геомафкуравий муҳитга); 2) техноген цивилизациянинг тарихий маънавий-маданий меросини ва ҳаёт тажрибасини ўзлаштириш ва ижодий ривожлантиришга – (ретроспектив-тарихий генезисига ижодий-танқидий муносабатга); 3) техноген цивилизациянинг илм-фан, маърифат, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот институтлари потенциал имкониятларини реаллаштириш асосларига – (жамият интеллектуал салоҳияти ривожланиш даражасига); 4) турли фуқаролик-оммавий ва сиёсий институтларнинг техноген цивилизацияни: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат фаолиятига – (институционал тизим структуравий элементлари самарадорлигига); 5) техноген цивилизация натижаларини оммага трансформация қилиш “технологияси”га – (коммуникацияси ва инфраструктураси мукамаллигига) боғлиқ бўлади.

Жамият ижтимоий бирликларининг техноген цивилизация глобаллашувига “адаптацион потенциали” шаклланишида тарихий мерос муҳим роль ўйнайди. Чунки тарихий мерос, миллатнинг маънавий-руҳий жиҳатдан узлуксиз ривожланиши ва янги ҳодисаларга “кўникиш эффектини” шакллантиради. Буни эса, ҳар қандай халқнинг муҳим “ментал хусусияти” сифатида баҳолаш мумкин.

Ҳар қандай миллат техноген цивилизациясининг тарихий меросига ворислик муносабатларида “консервативлик”<sup>2</sup>, унга нигилистик ёндашувга доимо зид бўлган.

Зеро, техноген цивилизацияни ҳаракатлантирувчи мотив ва механизмлар таркибида инсониятнинг жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган моддий-техник асослари, интеллектуал потенциали ва ахборот базаси имкониятлари: биринчидан, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳодисаларни глобал техноген цивилизация контекстида синергетик таҳлил

<sup>1</sup> Қаранг: Басковский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка.– «Инфра». М.–2002. –С. 259.

<sup>2</sup> Бу ерда “консервативликни” толерантлик маъносида тушуниш керак, чунки тарихий меросни қандай бўлса шундай қабул қилиш ҳам, ёки уни тубдан ўзгартириш ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

килиш, уларнинг моҳиятини, ривожланиш даражасини, функционал аҳамиятини конкретлаштириб, шу соҳалардаги илмий билишнинг категориал ва тушунчалар аппарати мазмунини ёритиб беради; иккинчидан, глобал техноген цивилизациянинг жамият моддий ишлаб чиқариш усули, маънавий-маданияти интеллектуаллашуви ва ахборотлашуви тарихий ривожланиш даражаларига мос тарзда, ўз характерини ўзгартириб, ижтимоий-сиёсий тараққиётга детерминлаштирувчи омиллиги доимо устуворлашиб бориши қонуният мақомига эга; учинчидан, глобал техноген цивилизациянинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизимида шахс типларини белгиловчи интеллектуал салоҳият ва жамият ахборотлашининг техник-технологик ривожланиш даражасини белгиловчи мезон сифатида қаралиши керак; тўртинчидан, глобал техноген цивилизация тарихий ривожланиш тенденциясига ва даражаларига дифференциал ёндашиб, ҳаракатлантирувчи механизмлари, мотивлари тизимида жамият интеллектуал потенциали ва ахборотлашувининг инсоният келажагини детерминлаштирувчи ролини аниқлаш, муҳим назарий-методологик вазифа ҳисобланади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида: “мустақил ривожланиш йилларида – тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда”<sup>1</sup>, деган бўлса, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида бу йўлни давом эттириш учун: “биз жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз”<sup>2</sup>, деб таъкидлади.

Техноген цивилизация глобаллашуви: “у ёки бу (маҳаллий, миллий, худудий – Ж.О.) конфликтларнинг ҳал этилмаслига, глобал оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат халқаро конфликтларни музокара ва компромисс йўли билан ҳал қилиш заруриятини эътироф қилишга олиб келади. Ҳозирги замон глобал муаммоларига ҳар томонлама ёндашув талаб қилинаётган бугунги шароитда, бир томонлама қарорлар истиқболсиз эканлигига жаҳон ҳамжамияти қайта-қайта амин бўлмоқда”<sup>3</sup>.

БМТнинг Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперти Г.Глисон ўтган асрнинг 90-йилларида мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакат-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. - 27 бет.

<sup>3</sup> Сохранит ли человечество человечность?: Доклад Независимой комиссии по международным гуманитарным вопросам. М., Междунар. отношения, 1989. -С. 239.

ларида яшовчи миллатлар идентификациясида ўзига хос муаммолар мавжудлигини кўрсатиб: “Қишлоқ аҳолиси ўзини миллатига нисбатан муайян уруғга, водийга, воҳага мансублигини айнийлаштиришга мойил”<sup>1</sup>, деб ёзган эди. Лекин бу индивидуаллик умуминсонийликни истисно қилмайди, аксинча уни конкретлаштиради ва глобаллашув потенциалига эга. Бу имкониятни реаллаштириш эса, техноген цивилизациянинг трансформаторлик функциясига боғлиқ бўлади.

Айнан шу функция асосида миллий кадриятларни умуминсоният цивилизацияси манфаатларига кўра модернизациялашуви ва глобаллашувининг ортодоксал-консерватизм билан умумийлиги йўқ. Агар биз шу тамойилдан воз кечадиган бўлсак, “анъаналар ва миллатлар изоляцияси пайдо бўлиб, бу тоталитаризм ёки авторитаризмга олиб келиши мумкин”<sup>2</sup>. Шунинг учун глобаллашув жараёнида дунё халқлари маданиятнинг техноген цивилизация таъсиридаги уйғунлашуви – рационал-конструктив модернизм, деб баҳоланишга муносиб.

Ҳозирги даврда ҳар бир миллат ёки давлатнинг глобал техноген цивилизацияга интеграторлик миссияси, унинг бошқа соҳалардаги амалий фаолиятлари самарадорлик даражасини белгиловчи омилга, мезонга айланаётганлигини кўрамиз. Шу ўринда айрим давлатларнинг цивилизация субъекти ва объекти сифатида дезинтеграциялаштирувчи фаолиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Зеро, бу икки бир-бирига қарама-қарши фаолият асосида муайян миллатнинг этноэгоистик, этноэгоцентристик сиёсий манфаатларини мутлақлаштириш ётади.

Иккинчи бобнинг хулосалари: биринчидан, техноген цивилизацияни глобаллаштирувчи мотивлар ва механизмларнинг аҳамияти, умуминсоният: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарор тараққиётини таъминлашдаги функционал роли билан баҳоланади; иккинчидан, техноген цивилизация глобаллашувининг интеграторлик функцияси, бошқа цивилизация шакллари ва типларига нисбатан, асосий детерминлаштирувчи роль ўйнайди ва истиқболларини белгилайди; учинчидан, давлатларнинг барқарор тараққиёти техноген цивилизация ижобий натижаларини оммага трансформацияси ва салбий оқибатларини бартараф қилишнинг техник-технологик имкониятларига мос келади; тўртинчидан, турли давлатларнинг глобал техноген цивилизацияга интеграциялашиш эҳтиёжи, мойиллиги асосий ҳаракатлантирувчи мотив ҳисобланиб, дунё цивилизацияси стандартларини ижодий ривожлантиради; бешинчидан, техноген цивилизациянинг: маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва глобал кадриятлари уйғунлашуви объектив қонуният мақомига эга бўлиб, миллатларнинг умумий тарихини муштараклашган тарзда намоён қилади; олтинчидан, техноген цивилизациянинг миллий ва умуминсоний кадриятлари уйғунлашуви

---

<sup>1</sup> Gleason G. Uzbekistan: from Statehood? // Nation and Politics in the Soviet Successor States [Ed. by I. Bremer. Cambridge: Cambridge University Press, 1992. P. 335.

<sup>2</sup> Джаббарова Ш. Экономическое сотрудничество стран Центральной Азии – основа культурного сближения народов региона. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. –С. 184.

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалар ривожланиш даражасига адекват бўлади ва уларни акс эттиради; еттинчидан, миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлашуви техноген цивилизацияни кафолатлаш шарти ҳисобланса ҳам, жамият аъзоларининг мақсади ва манфаатлари индивидуаллигидан, унинг натижаларни баҳолаш мезонлари нисбий характерга эгадир.

**“Ҳозирги даврда техноген цивилизация глобаллашуви: асосий ёндашувлар ва талқинлар”** деб номланган учинчи бобида техноген цивилизациянинг анъана-вий индустриал ривожланган мамлакатларга ҳамда миллий тараққиёт йўлига кирган “учинчи дунё” давлатларига дифференциаллашган тарзда таъсир кўрсатиши асосланган. Хусусан, унинг ижобий таъсири – дунё мамлакат-ларига: техника, технология, инвестиция, интеллектуал салоҳият, ахборот айрибошлаш инфраструктураси ва коммуникациясини ривожлантириш учун имконият яратиш билан характерланса, салбий оқибатлари – аксарият ҳолат-ларда, боқимандаликка, қарамликка, мутъеликка, “миллий кибрга”, “миллий маргиналлашувга”, “оммавий маданиятга”, ғайриинсоний девиант ҳаракат-ларга мойиллик кайфиятларини кучайтиради.

Фалсафий адабиётларда техноген цивилизация глобаллашуви феноменига муносабатда: радикализм ва либерализм ёндашувлари кузатилмоқда<sup>1</sup>. Яъни, биринчи – радикализм оқимида мансуб олимларда техноген цивилизация глобаллашувни янги типдаги жаҳон уруши<sup>2</sup> ёки унинг авж олиши “оммавий маданият” шаклланишига олиб келиб, миллатнинг маънавий қашшоқлашувига, уларнинг ўзлигини англамайдиган манқуртларига айлантириш имконияти<sup>3</sup>, деган пессимистик хулосалар устуворлик қилса, иккинчи – либерализм таълимотларида, инсониятнинг келажак истиқболларини таъминлаш имконияти тарзида изоҳлайдилар.

Шу нуқтаи назардан, айрим олимлар томонидан техноген цивилизация ижобий ва салбий оқибатлари глобаллашувини инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида шаклланган маънавий-ахлоқий нормалари ва анъаналарини, халқларнинг ҳаёти ва тафаккур тарзини бузувчи – аномал глобаллашув ва уларнинг ҳаёти асосларини таъминлаш системасини яратувчи – эффектив глобаллашув жараёнларини фарқлашлари, муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга<sup>4</sup>. Зеро, аномал глобаллашувнинг техноген цивилизация билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, балки жамият ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳаёт соҳалари “цивилизациялашмаганлиги” белгиси сифатида эътироф этилиши керак.

Шунингдек, техноген цивилизацияни эффектив глобаллашув нуқтаи назаридан баҳолаш ҳам, нисбий ва шартлидир. Чунки унинг “эффективлик” мезонлари динамик ўзгарувчан бўлиб, ижтимоий макон ва тарихий замон

<sup>1</sup> Шу ўринда радикализм ва либерализм оқимларида оптимистик, пессимистик, скептик, алармистик йўналишларининг ўзига хос таълимотлари мавжудлигини ҳам эътироф этиш керак.

<sup>2</sup> [http://uz.infocom.uz/more.php?id=207\\_0\\_1\\_0\\_M8](http://uz.infocom.uz/more.php?id=207_0_1_0_M8)

<sup>3</sup> Қаранг: Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. -Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008

<sup>4</sup> Қаранг: Кузнецов В. Геокультура. Основы геокультурной динамики безопасности в мире XXI век: культура сеть. М., Книга и Бизнес, 2003. С. 416. (-632 с).

хусусиятларини эътиборга олиб, дифференциаллашган ёндашувни тақозо қилади. Яъни халқаро нуфузли ташкилотларнинг хулосаларига кўра, глобал даражада “гуманитар қарорлар қабул қилиш, янги нормалар ишлаб чиқиш зарур. Чунки инсон ҳуқ-атворининг умумий қоидалари ва тамойиллари, конкрет тарихий шарт-шароитларда шаклланган ва ривожланган. Аммо, тобора “торайиб бораётган” дунёда турли миллий маданиятлар ва мафкуралар спектрларига мос келадиган умуминсоний кадриятларни яратишни талаб қилмоқда”<sup>1</sup>.

